



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Худоёров Умиджон Дагарович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси,

Сирдарё вилояти Юридик техникум ўқитувчиси,

3-даражали адлия маслаҳатчиси

Телефон: +998 (99) 475 72 02

umidjondagarov@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8164501>

ARTICLE INFO

Received: 10th July 2023

Accepted: 15th July 2023

Online: 19th July 2023

KEY WORDS

Вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, профилактика, жавобгарлик, жиноий таҳдид, хавфсизлик, чора – тадбир.

ABSTRACT

Ушбу мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасини ташкил этишининг назарий ва амалий жиҳатлари, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг ўзига хос жиҳатлари, вояга етмаганлар ўртасида профилактикани амалга оширувчи субъектларнинг фаолияти ва профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликка қарши барқарорлигини таъминлаш чоралари бериб ўтилган.

Кириш

Маълумки, мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат тараққиётининг ривожига ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даражасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун эса аввало жамият аъзоларининг, шу жумладан вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий савияси юқори даражада бўлиши талаб этилади.

Вояга етмаганларнинг шахсини шакллантиришда ва ҳуқуқбузарликнинг олди олишда педагогик усулларни ўзгаришларга мослаб бориш ва педагогик саводсиз оилалар билан алоқа қилиш, уларни масъулиятини ошириш муҳимдир. Бунда кўпгина мутахассислар, жумладан социологлар, педагог ва юристларнинг фаоллиги талаб қилинади¹.

Тадқиқотнинг долзарблиги, мавзу бўйича мавжуд муаммолар.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунига алоҳида тўхталадиган бўлсак, ушбу қонун қабул қилингунга қадар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ёки назоратсизлиги бўйича алоҳида тушунчалар, профилактикасининг усул ва шакллари, чора-тадбирлари алоҳида нормаларга белгилаб берилмаган эди.

¹ Липатов А.Е. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика краж, совершаемых несовершеннолетними. Автореф. На соискание канд.юрид.наук.М., 24-б.



Тадқиқотимизда биз вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлари профилактикаси, ҳолати, динамикаси, ҳуқуқбузар шахснинг шахсий хусусиятлари, ҳуқуқбузарлигининг ўзига хослиги, ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб ва имкон берган шарт шароитлар ҳамда профилактикани такомиллаштириш чора - тадбирларни кўриб чиқамиз, ҳуқуқий характерга эга бўлган яъни вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарликка қарши барқарорлигини таъминлаш, таъсир қилиш мумкин бўлган масалаларни белгилаб оламиз.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўсиши муаммоси (шуни таъкидлаш керакки, сўнгги ўн йил ичида Республикада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги сезиларли даражада ошди) кўплаб объектив омиллар билан чамбарчас боғлиқ ва уни ҳал қилишни талаб қилади.

Вояга етмаганларнинг ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйиши ёшлар субмаданияти унсурлари сифатида, жиноий маданият уни муқаррар равишда жиноий таҳдид ташувчисига айлантиради, унинг қадр-қимматини криминоген шахсга, салбий жабрланувчига айлантиради; ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг кўпчилик қисмининг жазосиз қолишига ишончи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, судларнинг ёшини инобатга олган ҳолда юмшоқ муносабатда бўлишига умид боғлаши ўсмирларни янги жиноятларга ундаши муқаррар.

Бироқ, хавфсизлик тизимининг субъекти учун вазифа унинг ташувчисини белгиловчи жиноий таҳдидни келтириб чиқарадиган омилларга таъсир қилиш бўйича профилактика чораларини кўрмасликдир. Ушбу маълумот криминалогик профилактика учун муҳимдир. профилактикани амалга ошириш тизими субъектининг ҳаракатлари таҳдидга зудлик билан ҳимоя реакциясини, яъни хавфсизлик чораларини қўллашдан иборат бўлиши керак.

Профессор Г.Силласте, “бир томондан бола ўзининг тажовузкорлиги ва зўравонлиги, иккинчи томондан, болага нисбатан зўравонлик оила ичидаги муносабатлар ҳолати билан узвий боғлиқ бўлиб, жамиятда зўравонлик даражасини акс эттиради”². Шубҳасиз, бундай вазиятда, биринчи навбатда, болаларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ота-оналарнинг ўзбошимчаликларида давлатнинг зудлик билан муносабати талаб этилади; иккинчидан, оилаларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш, чунки “ оилада зўравонлик намоён бўлишининг муҳим қисми оиланинг ҳал этилмаган муаммолари билан боғлиқ”; учинчидан, бундай оилалар билан профилактика ишларини олиб бориш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида 2021-йил январ-декабр ойларида содир этилган жиноятлар умумий сони 111 082 тани ташкил этиб, бу жиноятлардан 2595 таси вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сирасига киради. “Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда”. Биргина ўтган 2021 йилнинг ўзида вояга етмаганлар томонидан 2595 та жиноят содир этилган бўлса, бу кўрсаткич ундан олдинги йилларда паст

² Силласте Г. Г. Угрозы безопасности детства в России начала XXI века (социологический анализ)/Информационный сборник «Безопасность». № 12, 2001.- С. 50- 62



даражада эди. 2021-йилда вояга етмаганлар томонидан яни 13-17 ёшлар томонидан 12 та қасддан одам ўлдириш ва унга уриниш каби жиноят содир этилган бўлса, 84 та оғир тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноят, 21 та номусга тегиш ва унга суиқасд қилиш билан боғлиқ жиноят, 216 та босқинчилик ва талончилик, 119 та фирибгарлик, 11 та товламачилик, 239 та безорилик, 1230 та ўғрилиқ ва бошқа жиноятларни содир этган³.

Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 224 нафарни ишламайдиган ва ўқимайдиган вояга етмаганлар ташкил этиб, умумий сонининг 8,6 % ини ташкил этди. Уларнинг сони бўйича Тошкент (57 нафар), Қашқадарё вилояти (21 нафар), Андижон вилояти (25 нафар) ва Тошкент шаҳри (50 нафар) етакчилик қилмоқда.

Профилактикани амалга оширувчи субъектлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик қилмаслиги учун барча чораларни кўришлари керак эди. Бу ерда профилактика субъектларининг имкониятлари потенциал ҳуқуқбузарнинг шахсига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, бу профилактикани амалга оширишда режали ва мақсадли воситалар ёрдамида ҳуқуқбузарликларни содир этишга имкон берадиган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали жиноятларнинг олдини олиш ўзининг самарали натижасини беради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, маъмурий жавобгарликка тортилади. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, кўп сонли маъмурий ҳуқуқбузарликлар 16 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилади. Улар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти бўла олмаслиги сабабли, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг қонуний вакиллари ёки уларнинг ота-оналари жавобгарликка тортилади.

Агар вояга етмаган шахс 16 ёшида майда безорилик, оз миқдорда талон-торож қилиш ҳамда психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини шифокор рецептсиз истеъмол қилса ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир қилса, (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси) ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар жавобгарликка тортилади, натижада Республикаимизнинг кўплаб ҳудудларида, вояга етмаганларга қараганда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга кўпроқ маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликдан фарқ қилган ҳолда, ёш чегарасини белгилашда вояга етмаганларга кенгроқ ёндошади. Қонунда вояга етмаган шахс тушунчаси белгиланган бўлиб унга кўра ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс вояга етмаган сифатида таърифланган. Пастки ёш чегараси белгиланмаганлигидан келиб чиқиб, қонунда туғилишдан 18 ёшгача бўлган ёш акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **профилактика чоралари** жавобгарликка тортиш ёшига етмаган вояга етмаган

³ Нодирбек Жалилов, Вояга етмаганларнинг жиноят содир этишининг криминологик таҳлили, мақола, Шарқ фалсафаси жўрнали. 01.2023; <https://cyberleninka.ru/article/n/voyaga-yetmaganlarning-jinoyat-sodir-etishining-kriminologik-tahlili/viewer>



хуқуқбузарларга ҳам, 16 ёшга тўлган вояга етмаганларга нисбатан ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14 моддасига мувофиқ, Вояга етмаганларнинг маъмурий хуқуқбузарлиги учун маъмурий хуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилади⁴.

Ушбу Низомнинг [50-бандида](#) назарда тутилган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилаётганда туман (шаҳар) комиссияси хуқуқбузарликнинг хусусияти, даражаси ва сабабларини, боланинг ёшини ва унинг ҳаёт шароитларини, унинг хуқуқбузарлик қилишда қай даражада иштирок этганлигини, шунингдек, унинг турмушидаги, таълим муассасасидаги ва ишдаги хулқ-атворини албатта ҳисобга олиши лозим⁵.

Белгиланган таъсир кўрсатиш чораси натижа бермаган тақдирда, туман (шаҳар) комиссияси ушбу низомнинг [50](#) ва [51-бандларида](#) кўрсатилган таъсир кўрсатиш чораларидан қаттиқроқ чора қўллашга ҳақлидир.

Муаммоларни ҳал қилиш йўллари.

Вояга етмаганлар профилактикасида ижобий натижага эришиш учун уларга таълимида, ва тарбиясида ривожлантирувчи ижобий таъсир кўрсатиш керак. Бундай таъсир қўйидагича амалга оширилади:

- вояга етмаганлар ўртасида ўзларнинг ўқиши ва тарбиясидаги камчиликларни бартараф етиш зарурлиги тўғрисида ишончни шакллантириш;
- аҳоли, шунингдек айрим шахслар ўртасида ахлоқсизлик кучайган гуруҳларни аниқлаш ва уларга янада интенсиф педагогик таъсирларни ташкил етиш;
- вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммоларини, уларнинг салбий ролини кўрсатиш учун оммавий ахборот воситалари ёрдамида ёритиб бориш;
- барча таълим муассасаларига жиноятчиликнинг олдини олишни ўрганиш бўйича ўқув фанлари, мавзулар, махсус курсларнинг махсус бўлимларига киритиш;
- хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг вояга етмаганлар томонидан, салбий одатларни ривожлантирувчи, алкогольга қарамлик, гиёҳвандлик, ижтимоий ва ахлоқсиз гуруҳларда бўлиш каби хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий нормаларини бузишнинг олдини олиш бўйича фаолиятини кучайтириш;
- уларни оилада ва жамоат жойларида ҳам вояга етмаганлар орасида ҳам ахлоқий хулқ-атворни тарбиялаш;
- вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этилиши жамиятдаги ахлоқий қадриятларнинг парчаланишига, жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келади деган ғояларини шакллантириш.;
- ёмон одатларнинг инсонга салбий таъсири, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тўғрисида арзон ва оммабоп китобларни оммавий равишда нашр етиш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йил 22 сентябрь, 14 -моддаси

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 363-сон Қарори.



- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими ходимлари жанжалкашлиги, ахлоқсизлиги, тажовузкорлиги билан ажралиб турадиган шахслар билан индивидуал тарбиявий ишларини олиб бориш.

Жиноятчиликнинг олдини олиш чораларининг юқоридаги таснифи ягона емас. Масалан, Россия ички ишлар вазирлигининг Санкт-Петербург Академияси томонидан нашр этилган криминология бўйича дарслик муаллифлари бошқа таснифни таклиф қилишди. Унда профилактика чоралари мазмунига кўра олти гуруҳга бўлинади: иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий, техникавий, ташкилий ва ҳуқуқий⁶.

Профессорлар А.И. Алексеев, С.И. Герасимов, А.Я. Сухаревлар томонидан олиб борилган криминологик профилактика тадбирларининг таснифига қуйидаги сабабларга кўра мурожаат қилишингиз мумкин: *даражаси* (умумий ижтимоий, махсус криминологик чоралар); *миқёси* (миллий, минтақавий, тармоқ, шаҳар); *мазмуни* (сиёсий, ижтимоий, ташкилий ва бошқарув, маданий-маърифий, ижтимоий-психологик, ҳуқуқий ва бошқалар); *қўллаш босқичлари* (эрта профилактика чоралари, рецидивликнинг олдини олиш чоралари); *ташкилий шакли* (хабар бериш, чора-тадбирлар, ҳаракатлар); *радикаллик даражаси* (танбеҳбериш, зарарсизлантириш, йўқ қилиш); *ҳуқуқий хусусиятлар* (қонун нормалари, соҳага хос ҳуқуқий нормалар асосида); йўналиш (криминоген омилларга йўналтирилган чора-тадбирлар ва виқтимоген омилларга йўналтирилган чора-тадбирлар)⁷.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар.

Жамиятнинг барча соҳаларини инсонпарварлаштиришга қаратилган замонавий шароитда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- 1) профилактика амалиётини инсонпарварлаштириш, жазо ва мажбурлаш чораларидан ҳимоя чораларининг устунлиги;
- 2) таълим, профилактика ва ҳимоя фаолиятини профессионаллаштириш, болалар ва ўспиринларнинг девиант хатти-ҳаракатларини тузатиш, уларнинг оилавий ва ижтимоий таълим шароитларини яхшилаш бўйича амалий ишларга ихтисослашган ходимлар, ижтимоий ўқитувчилар, психологларнинг махсус кадрларини тайёрлаш;
- 3) болалар ва ўспиринларнинг девиант хатти-ҳаракатларини тўғрилашда тиббий ва психологик ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг ролини кучайтириш, турли хил ижтимоий ва руҳий касалликларга чалинган вояга етмаганларни реабилитация қилиш;
- 4) оилага болалар ва ўспиринларни ижтимоийлаштиришнинг етакчи институти ролини бериш, оилага, айниқса ижтимоий хавф гуруҳидаги оилаларга ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-педагогик ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатишнинг ижтимоий тадбирларини амалга ошириш;

⁶ См.: Бурлаков В.Н. Предупреждение преступности // Криминология: Учебник для юридических вузов / Под ред. В.Н. Бурлакова, В.П. Сальникова. — СПб.: Санкт-Петербургская академия МВД России, 1998. - С. 188 - 189.

⁷ См.: Алексеев А.И. Криминологическая профилактика в системе социальноправового контроля над преступностью // Алексеев А.И., СИ. Герасимов, А.Я. Сухарев Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы: Монография. -М.: Издательство НОРМА, 2001. -С. 26-47.



5) давлат ижтимоий хизматлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат бирлашмалари ўртасида уларнинг яқин ҳамкорлиги ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда максимал иштирок этган ҳолда тарбиявий ва профилактика ваколатларини аниқ белгилаш.

Бинобарин, шуни таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар ўртасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликлар кенг тарқалган бўлса-да, унинг олдини олиш бўйича қатъий, кучли ва мақсадли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади. Бундан кўзланган мақсад, энг аввало, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик даражасини пасайтириш, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар томонидан бошқа вояга етмаганларни онгини бузишини ва катталар ўртасида такрорий жиноят содир этишининг олдини олишдир.

Хулоса

Маҳаллаларда вояга етмаган ёшлар билан ишлашни тизимли ташкил этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш оиланинг, шунингдек, мактаб ва болалар билан ишлайдиган барча муассасаларнинг асосий вазифасидир. Бу масалада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ҳали асосий ҳаётий қадриятлар ва кўникмалари шакилланмаган ёш авлод заиф бўғин бўлиб, уларни бошқариш (манипуляция) қилиш осон ва кўпинча оқибатлари ҳақида ўйламасдан васвасага берилиб кетади. Қоида тариқасида, ёшлигида тўғри йўлдан адашиб қоқилганлар келажакда жиноятчи бўлиш эҳтимоли кўпроқ, шунинг учун жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг эрта олдини олиш ёшлар билан боғлиқ бўлган барча кишиларнинг - ота-оналар, ўқитувчилар, мураббийлар, раҳбарлар ва албатта, давлатнинг энг муҳим вазифасидир, чунки соғлом, қонунга бўйсунадиган ва тўғри йўналтирилган ёш авлод мамлакатнинг асосий устунидир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 1994 йил 22 сентябрь, 14 –моддаси
2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида” 363-сон Қарори.
4. Липатов А.Е. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика краж, совершаемых несовершеннолетними. Автореф. На соискание канд.юрид.наук.М., 24-б.
5. Силласте Г. Г. Угрозы безопасности детства в России начала XXI века (социологический анализу/Информационный сборник «Безопасность». № 12, 2001.- С. 50- 62



6. Нодирбек Жалилов, Вояга етмаганларнинг жиноят содир этишининг криминологик таҳлили, мақола, Шарқ фалсафаси жўрнали. 01.2023; <https://cyberleninka.ru/article/n/voyaga-yetmaganlarning-jinoyat-sodir-etishining-kriminologik-tahlili/viewer>
7. См.: Бурлаков В.Н. Предупреждение преступности // Криминология: Учебник для юридических вузов / Под ред. В.Н. Бурлакова, В.П. Сальникова. — СПб.: Санкт-Петербургская академия МВД России, 1998. - С. 188 - 189.
8. См.: Алексеев А.И. Криминологическая профилактика в системе социальноправового контроля над преступностью // Алексеев А.И., СИ. Герасимов, А.Я. Сухарев Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы: Монография. -М.: Издательство НОРМА, 2001. -С. 26-47.